

Атмосфера ва унинг экологик муоммолари. (2)

- Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида атмосфера ҳавоси ифлосланиб, унинг газ таркибида ўзгаришларнинг рўй бериши иқлимнинг глобал масштабда ўзгаришига олиб келмоқда.

- Атмосфера ҳавоси таркибида зарарли газларнинг, энг аввало карбонат ангидриди миқдорининг кўпайиши натижасида «парник эффект» вужудга келади.

- Бунда CO₂ гази қуёшнинг қисқа тўлқинли нурларини бемалол ер юзасига ўтказиб юборади, аксинча ер юзасидан коинотга тарқаладиган узун тўлқинли нурларни ушлаб қолади, натижада сайёрамиз юзасидаги ҳавонинг ўртача ҳарорати ортиб боради.

- Дунёдаги шаҳарларнинг умумий майдони 0,5 млн. км². Бу Ер курраси территориясининг 0,3%ини ташкил этади.

- Дунё аҳолисининг 45 %и аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда яшайди. Шаҳар аҳолиси АҚШ бутун аҳолининг 74%ни, Европада 69%ни, Буюк Британияда 80% ташкил этади

- Катта шаҳарларда атмосферанинг чанг, қурум, газ ва тутунлар билан ифлосланиши туфайли қуёшнинг тўғри радиацияси 40% гача камаяди.

- Бу миқдор Москва шаҳрида 7-10% дир. Шаҳар ҳавосининг ифлосланиб чанг-тўзон миқдорининг кўпайиши ультрабинафша нурларнинг ўтишини камайтиради, бу эса ҳавода касал тарқатувчи бактерияларнинг кўпайишига шароит яратади.

- Шаҳарлар ҳавосининг чанг, қурум ва бошқа қаттиқ заррачалар билан ифлосланиши конденсация ядроси вазифасини ўтайди.

- кунлар кўпайиб, ёғин миқдори ортади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бир йилда 14 кун туман бўлиб, 328 мм ёғин тушса, унинг атрофидаги қишлоқ районларида 8 кун туман бўлиб, 317 мм ёғин ёғади.